ООО "TRANS-AUDIT-A"
Р/С: 2020 8000 3039 5083 0001
Ташкентский городской региональный филиал УзПСБ
МФО: 00424, ИНН: 202651054, ОКЭД: 69202
г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. А.Темур 1/2.
+998 90 912-00-81 +998 71 268-48-86
transaudita@mail.ru

# МАХСУС САВОЛНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАСИ БЎЙИЧА АУДИТОР ҲИСОБОТИ ВА ХУЛОСАСИ

***"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" МЧЖ раҳбариятига***

## КИРИШ ҚИСМ

| | |
|---|---|
| **Аудиторлик ташкилоти номи** | "TRANS-AUDIT-A" МЧЖ |
| **Почта манзили** | Тошкент ш., Юнусобод т., Амир Темур 1-тор кўча, 2-уй |
| **Лицензия рақами ва берилган санаси** | № 00825. 17.04.2019 й. |
| **Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами** | №519 от 18.12.2007 й. |
| **Ҳисоб рақами** | 20208000303950830001 |
| **Банк** | «Саноат-Қурилиш Банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали |
| **Аудиторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми** | Тўлаев Умиджон Иброхимович |
| **Малака сертификати рақами ва берилган санаси** | № 04852 от 10.06.2010 |
| **Махсус савол таснифи** | 2021 йил учун корхонанинг рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий баркарорлик ва ликвидлик бўйича кўрсаткичларини тасдиқлаш |
| **Асос** | 2022 йил 7 июлдаги 92/22 сон шартнома |

Ушбу аудиторлик топшириғини бажариш жараёнида *"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI"* МЧЖнинг 2021 йил учун тайёрланган ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган молиявий ҳисобот шаклларидан, жумладан “Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл” ҳамда “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2-сонли шакл” маълумотларидан фойдаланилди. Ушбу молиявий ҳисобот шакллари “TRANS AUDIT A” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган ҳамда унинг ишончлилиги юзасидан ижобий хулоса тақдим этилган.

Аудиторларга тақдим этилган молиявий ҳисобот шакллари ва улардаги ахборотларнинг ишончлилиги ва тўғрилиги учун *"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI"* МЧЖ раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Бизнинг жавобгарлигимиз тақдим этилган молиявий ҳисобот ахборотлари асосида 2021 йил учун корхонанинг рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича кўрсаткичларини тасдиқлаш юзасидан хулоса тақдим этишдан иборат.

## ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

Махсус саволни текшириш жараёнида аудитор томонидан қуйидаги аудиторлик амаллари бажарилди:

1. Давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган молиявий ҳисобот таркибидаги 1-сонли шакл ва 2-сонли шакл ахборотларининг бухгалтерия ҳисоби регисрларига мувофиқлигини аниқлаш;
2. Таҳлилий амаллар учун фойдаланиладиган молиявий ҳисоботларнинг аудиторлик текширувидан ўтказилганлигини аниқлаш ҳамда аудиторлик текшируви якуни бўйича тақдим этилган аудиторлик хулосаси шакли ва мазмуни билан танишиш;
3. 2021 йил учун корхонанинг рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

2021 йил учун корхонанинг рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича кўрсаткичларини тасдиқлаш учун махсус савол аудитини ўтказиш жараёнида юқоридаги кўрсаткичларни аниқлаш учун республикамиз ва халқаро амалиётда фойдаланиладиган асосий формулалар танлаб олинди ва белгиланган тартибда ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Аудиторлик амалларини бажариш жараёнида ***"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI"*** МЧЖ 2021 йилда қуйидагича кўрсаткичларга эришганлиги тасдиқланди:

| **Рентабеллик кўрсаткичлари** | | | |
|---|---|---|---|
| **Кўрсаткич номи** | **Ҳисоблаш тартиби** | **Кўрсаткич** | **Изоҳ** |
| Сотиш рентабеллиги | ((Сотишдан соф тушум-сотиш таннархи)/сотишдан соф тушум)*100 | (10 821 423 / 14 234 987)*100 = **76,0%** | Ижобий. Юқори даражада сотиш рентабеллигига эришилган |
| Активларнинг рентабеллиги | (Соф фойда /жами активлар) | 10 248 359 / 30 137 252 * 100 = **34 %** | Ижобий ва юқори активлар рентабеллигига эришилган |
| **Тўлов қобилияти** | | | |
| Ўз маблағлари билан таъминланганлиги | (Хусусий капитал – Узоқ муддатли активлар) / Жорий активлар | (16 834 649 – 1 687 740) / 28 449 512 = **0,53** | Жорий активларнинг ўз маблағлари билан таминланганлиги **53%**. Бу ҳолат **ижобий**. |
| Фоизларни қопланиши коэффициенти | Асосий фаолият фойдаси/ фоиз харажатлари | 13 645 321 / 1 575 256 = **8,66** | Ижобий. Солиқ ва фоизларни тўлагунга қадар фойда фоиз харажатларини қоплаш учун етарли |
| | | | |
| **Молиявий барқарорлик** | | | |
| Молиявий барқарорлик коэффициенти | (Хусусий капитал + Узоқ муддатли мажбуриятлар) / жами активлар | (16 834 649 +11 919 802) / 30 137 252 = **0,95** | Ижобий. Коэффициент 0,6 дан юқори бўлганда ижобий ҳисобланади. Корхона молиявий барқарор |
| **Ликвидлилик кўрсаткичлари** | | | |
| Жорий ликвидлилик | Жорий актив / Жорий мажбуриятлар | 28 449 512 / 1 382 800 = **20,6** | Ижобий. Юқори жорий ликвидлилик кўрсаткичига эга. Коэффициент 1 дан кескин юқори |
| Тез ликвидлилик | (Жорий актив – ТМЗ) / Жорий мажбуриятлар | (28 449 512 – 5 683) / 1 382 800 = **20,6** | Ижобий тез ликвидлилик кўрсаткичига эга. Коэффициент 1 дан кескин юқори |

## ЯКУНИЙ ҚИСМ

2021 йил учун корхонанинг рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича кўрсаткичлари **ижобий**.

***ООО "TRANS-AUDIT-A"***
***Тошкент ш.***
***13.07.2022 й.***

**Аудитор:** **У.И.Тулаев**

Пронумеровано, прошнуривано
Количество листов 4.
Дата 13.07.2022
Подпись